

Scientific Bulletin of Namangan State University

Volume 1 | Issue 6

Article 30

9-10-2019

SURKHANDARYA NATURE AND ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Xolmat Xurramovich Zokirov
Termez State University

Oybek Ulugberdiyevich Normuratov
Termez State University

Anovar Ravshan qizi Xuramova
Termez State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>

 Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Zokirov, Xolmat Xurramovich; Normuratov, Oybek Ulugberdiyevich; and Xuramova, Anovar Ravshan qizi (2019) "SURKHANDARYA NATURE AND ENVIRONMENTAL PROBLEMS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 30.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/30>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

SURKHANDARYA NATURE AND ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

СУРХОНДАРЁ ТАБИАТИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Зокиров Холмат Хуррамович, профессор
Нормуратов Ойбек Улуғбердиевич, катта ўқитувчи
Хурамова Ановар Равшан қизи
Термиз давлат университети

Аннотация: Мақолада Сурхондарё вилоятининг табиий иқлим шароити, унда юзага келаётган долзарб экологик муаммолар таҳлил қилинади. Ушбу экологик муаммоларни бартараф этишида таълим тарбия ва экологик маданиятнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Сурхондарё, экология, экологик муаммо, табиат, иқлим, тупроқ, аҳоли, экотуризм.

СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ПРИРОДА И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ

Зокиров Холмат Хуррамович, профессор
Нормуратов Ойбек Улуғбердиевич, старший преподаватель
Хурамова Ановар Равшан қизи
Термезский государственный университет

Аннотация: В статье анализируются природно-климатические условия Сурхандарьинской области и современные экологические проблемы. В нем рассматривается важность образования и экологической культуры для решения этих экологических проблем.

Ключевые слова: Сурхандарья, экология, экологические проблемы, природа, климат, почва, население, экотуризм.

SURKHANDARYA NATURE AND ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Zokirov Holmat Xurramovich, professor
Normuratov Oybek Ulugberdiyevich, senior lecturer
Xuramova Anovar Ravshan qizi
Termez State University

Abstract: The article analyzes the natural and climatic conditions of the Surkhandarya region and modern environmental problems. It examines the importance of education and environmental culture in addressing these environmental issues.

Keywords: Surkhandarya, ecology, environmental problems, nature, climate, soil, population, ecotourism.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий қисимда жойлашган бўлиб, 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Умумий ер майдони 20,1 минг кв.км га тенг. Сурхон-Шеробод водийси текислик қисмининг узунлиги 200 км, Шимолдан Жанубга томон тобора пасайиб ва кенгайиб боради. Жанубий Ғарбдан Туркистон, Шимол ва Шарқдан Тожикистон, Жанубдан, Амударё бўйлаб 180 км масофада

Афғонистон Ислом республикаси, Шимолий-Ғарбдан эса Қашқадарё вилояти билан чегарадош.

Худуд текислик қисимининг иқлими қуруқ субтропик. Йиллик ўртача ҳарорат 16-18 С⁰ даража, Термиз шаҳрида ёғин миқдори 130-150 мм. Денгиз сатҳидан 301-302 метр баландликда жойлашган. Иқлими кескин континентал энг юқори ҳарорати 50 С⁰, кумли чўлларда 70 С⁰ гача етган йиллар кузатилади. Январь ойининг ўртача ҳарорати 2,8, июнь ойиники эса 31,4 даражагача кузатилади [3].

Жарқўрғон, Ангор, Термиз туманлари ва Термиз шаҳри аҳолиси учун энг йирик экологик муаммолардан яна бири доимий такрорланиб турадиган Жанубий Афғонистон республикаси Шимолий ҳудудларидан чанг тўзон олиб келувчи сурункали “Афғон” шамоли (баҳор, ёз ойларида) қуруқ ва иссиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларига сезиларли даражада зарар етказган ҳолда аҳоли саломатлигига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиб келади.

Вилоят ҳудудининг қайд этилиб турадиган зилзилалар бўйича сесмик даражаси “Рихтер шкаласи” га кўра 7-9 баллни ташкил этади ва бу кўрсаткич даражаси Жанубдан тоғ ҳудудидаги йўналиш бўйича ортиб боради. Вилоят мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган ҳудуд хисобланиб, пахтачилик, айниқса ипак пахта, лимон етиштириш бўйича анча ижобий натижаларига эришмоқдалар.

Саноати ва ишлаб чиқариши асосан пахтачилик қайта ишлаш, нефть ва табиий газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш, кўмир қазиб олиш ва уларни брикетлаш, очиқ усулда ош тузи ва техник мақсадларда туз қазиб олиш ва уни қадоқлаш, чигитни қайта ишлаш орқали пахта ёғи ишлаб чиқариш қурилиш материалларидан оҳак, гипс, кенг тарқалган фойдали қазилмалардан қум, шағал тош қазиб олиш, ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқалар йўлга қўйилган [2].

Экологик тоза электр – энергия ишлаб чиқариш манбаига эга бўлган сув захиралари потенциали жуда юқори бўлиб, “Тўпаланг ГЭС” қурилишининг 30 МВт/соат электр энергия йилда ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган биринчи навбат вилоят аҳлига хизмат қилаётган бўлиб, 2020 йилда ушбу ГЭСнинг 145МВт/соат электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккинчи босқичи ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек Тўпаланг, Сангардак, Дарбанд, Халқажар дарёларинг географик жойлашуви ва юқори сув энергияси захиралари потенциалига эга эканлиги, турли қувватдаги катта ва кичик гидроэлектростанциялар қуриш эвазига келажакда энг арзон ва экологик тоза электр энергия ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Хўжайпоқ, Омонхона, Қайнар булоқ, Қўтир булоқ, Обижалил, Юсуфхона, Сайроб, Мачайлисой, Ўпкатош, Вандоб, Хонжиза, Сангартақ, Хомкон, Ўринбулоқ, Дарбанд, Бойсун каби ўнлаб шифобахш маъданли сувлардан бутун мамлакатимиз аҳолиси ўзларига шифо топмоқдалар.

Йод моддаси мамлакатимизга деярли 100% четдан валютага олиб келинади. Лекин Жарқўрғон тумани ҳудудида 80 С⁰ даражали ҳарорат билан отилиб чиқаётган “Ховдак” йодо бромли сув таркибидан йодни ажратиб оладиган бўлсак мамлакатимиз аҳолисининг 60 -70 % йодга бўлган эҳтиёжини бемалол қондириш

мумкин. Шунингдек бу масканда химия саноати учун асосий хом – ашёлардан бром қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган “Бентонит” захиралари 11,0-12,0 млн тоннани ташкил этади. Жерданак кварцитлари 2,0 млн. Т. Хомкон калий захиралари 50 млн тоннадан ортиқ бўлиши билан биргаликда Кампиртепа флюорити ер юзасидан 6,0 метр чуқурликда бўлиб, тупроқ таркибидаги хиссаси 45% ни ташкил этади.

Мавжуд ер майдонларининг 8% га яқини ўрмонлар билан қобланган бўлиб, биотик захиралар орасида қимматли озуқабоп ва шифобахш ўсимликлардан ёнғоқ, pista, бодом, чилон жийда, хурмо, дўлана ва жуда кўплаб шифобахш ўтлар табиий ўсади [1].

“Экотуризм оламни англаш ва маданият кўзгусидир” – деган ҳикматга олам олам маъно бор. Саёҳат инсон тафаккури ва дунё қарабини кенгайтиради. Уйи тор дунёнинг кенглигини билмас – дейишади доно халқимиз. Ха, вилоятимиздаги минг ёшли бобочинорлар, Бойсун тумани Мачай қишлоғидаги Тешик тош ғоридан топилган (1936- 1938 йй) “Неандертал” одами, Сангардак шаршараси, Хўжаипок ғори ва маданли сувлари Заравут ғорлари, Омонхона ғори, Авлиё ғори, Тоштуяли ғори, Сумбула томчи масканлари ва бепоён арчазорлари кимларни маҳдиё қилмайди дейсиз.

Шу ўринда шу нарсани таъкидлаш лозимки, экологик муаммоларининг ечимини топишнинг яна бир жиҳати экологик туризмни ривожлантириш орқали аҳолининг экологик онги ва маданиятини оширишдан иборатдир. Гўзал ва бетакрор табиий муҳит инсонларнинг нафақат томоша аренаси, балки яшаш маскани эканлигини англаган киши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижобий яшаш воситаларидан оқилона фойдаланиш, бузилганларини қайта бутунги ва келажак авлодлар учун қанчалар зарур эканлигини билади ва онгли равишда унга сарф харажатлар қилади.

Вилоятда экотуризмни ривожлантириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, экотуризм базаларини яратиш тадбирларини амалга ошириш ва бунинг учун чет эл ҳамда мамлакатимиз фуқароларини туризмга жалб қилиш мақсадида мавжуд табиий ландшафт, тоғ тарихий ва табиий обидаларни реклама қилиб жойларга етказиш талаб этилади.

Туристик хизматлар кўрсатишнинг бутун бир тизимни барпо этиш, туристик хизматларини жаҳон миқёси даражасига кўтариш вилоят иқтисодиётини кўтаришининг алоҳида манбалари ҳисобланади.

Шулардан хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон республикаси Сурхондарё вилоятининг бир қатор туманлари ва атроф-муҳитига Тожикистон алюминий заводи томонидан чиқарилаётган трансчегаравий ифлослантирувчи моддалар, айниқса фторли водород ўз тажовузкорона таъсиирини кўрсатмоқда. Тож АЗ Ўзбекистон республикаси давлат чегарасидан 8-10 км масофада жойлашган бўлиб, лойиҳага асосан 517 минг тонна алюмин ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб [4];

1. Бир тонна алюмин ишлаб чиқариш учун 43-48 кг фтор сарфланиб, шундан 63-68 % фторли водород шаклида ҳавога кўтарилади. Бу ҳолат айниқса вилоятимизнинг Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон сўнги

маълумотларга кўра ҳаттоки Жарқўрғон туманларида ҳам ўзининг шиддатли реакция таъсирини кўрсатмоқда.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, юқорида қайд этилган туманлар атмосфера ҳавосидан ва тупроқлардаги фторли водород миқдори нормадан 12-24 маротаба ортиқча эканлиги ўта ачинарли ҳолдир. Жумладан, ҳайвон сутида 13,5-15,6 %, картошкада 20-25 %, анор мевасида 20-27 % гача фторли водород борлиги аниқланган.

3. Тож АЗ дан ҳар йили 45 минг тоннагача ҳар хил чиқиндилар ҳавога кўтарилиб, шундан ўртача 116 тоннаси фторли водород, 21 минг тоннаси олтинугурт, углерод, азот оксидлари ва бошқа турли хил ўсимлик, ҳайвон, тупроқ, сув ва инсон учун ўта хавфли бўлган кимёвий тажаввузкор моддалардан иборатдир.

4. Оқибатда тупроқ таркибидаги фторли водород миқдори рухсат этилган меъёрдаги (РЭМ) 10 мг/кг ўрнига 70-180 мг/кг ташкил этиб 1991 йилга (30,1 ц-га) нисбатан 2008 йилда Узун туманида узумдан олинган ҳосил 4 баробар, йирик шохли ҳайвонлар сони ва маҳсулдорлиги 50-80 % ўсимликларда кечадиган оксил ҳосил бўлиш жараёнидаги фотосинтез механизми 30-40 % гача камайиб кетганлиги аниқланган.

5. Сўнги 20 йилда Узун ва Сариосиё туманларида пилла етиштириш мутлақо тугатилган 1990 йилларгача ҳар йили 400 тоннагача пилла етиштирган.

Жаҳонга машҳур бўлган Дашнобод анорлари стандарт талабларига мутлақо жавоб бермай қолган.

6. Аҳоли орасида аёлларда ҳомиланинг эрта тушиши, қўлсиз ёки оёқсиз ўлик чақалоқлар туғилиш ҳолати 1991 йилга нисбатан 2,5-4 маротабага ортган бўлиб, инсон танасида фтор, хром, сурма каби элементларнинг миқдори нормадан юқори эканлиги оқибатида қандли диабет касаллиги 1990 йилга нисбатан 2005 йилда 2,5-4,0, аллергия касалликлар 2,0-4,0, буқоқ, флюороз касалликлари 3,0-5,0 баробаргача ортганлиги кузатилмоқда [1].

Тупроқ – табиатнинг бебаҳо неъматини, ернинг энг юқори ва унумдор қатлами бўлиб, табиатда мавжуд бўлган барча тирик организмлар учун макон ва яшаш муҳити ҳисобланади. Афсуски, бугун инсониятни ташвишга солаётган тупроқнинг экологик муаммоларига қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Тупроқнинг шамол ва сув эрозияси;
2. Саноат ва маиший уй рўзғор чиқиндилари билан ифлосланиши;
3. Маҳаллий органик ўғитлардан етарлича фойдаланилмаётганлиги;
4. Вилоятдаги ер майдонларининг деярли ярмидан кўпи турли даражада шўрланганлиги;
5. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдорини йилдан йилга камайиб бораётганлиги (0,75).

XX асрнинг сўнги йилларида иқлимнинг ўзгариши муносабати билан кул ранг турналар Амударё воҳасида 6 мингдан 22 мингтагача қишлаб қолмоқда. Яна шунингдек ушбу ҳудудда 20 мингдан ортиқ сувда сузувчи ва сув олди қушлари қишлайди. 2011-2015 йиллардаги қишки рўйхатга олиш ҳисоб китобларига кўра, Термиз атрофидаги Амударёнинг саёз соҳилларида 40 турдан ортиқ 69 мингтагача

қушлар қишки мавсумни ўтказган. Жумладан, 14 мингтагача ёввойи ўрдак (*Anas platyrhynchos*), 2 мингдан ортиқ қизқуш (*vanelus vanelus*) рўйхатга олинган. Шунингдек, ҳар йили минглаб гўзал турна, ғозлар ва ўрдакларнинг турлари, оқ ва қора лайлаклар, турли қўтон ва қошиқбурунлар дам олиш учун тўхтайдилар. Худудда 10 турдаги йўқ бўлиб кетиш хавф остидаги турлар учраб, улар Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган. Шулардан сув билан боғлиқ турлари: Жингалак Сақоқуш (*pelicanus crispus*), кичик қоравой (*phalacrocorax pugnatus*), оқ пешонали кичик ғоз (*Anser erythropus*), олақанот (*Aythya nyroca*), мармар чуррак (*Marmaronetta angustirostris*), кундузги йиртқич қушлар: чўл бўқтаргиси (*Circus macrourus*), қиронқора (*Aquila heliaca*), катта олачипор бургут (*Aquila clanga*), итоғли (*Falco cherrug*) ва чўл кенгликлари далаларида яшовчи – бизғалдоқ (*Tetrao tetrao*). Шуларни инобатга олиб Сурхондарё вилоятидан оқиб ўтувчи Амударё соҳилларини ҳеч кечиктирмасдан қўриқладанидан муҳим худудлар қаторига киритиш лозим. Аксинча табиатнинг у ноёб паррандалари турли хил сабаб ва оқибатларга қўра нобуд бўлмоқда. Узлуксиз экологик таълим тизимини ривожлантириш учун: оила, боғча, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида экология ва табиатни муҳофаза қилиш фани учун дастурлар тайёрлаш ва қатъий жадвал асосида ўргатишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. X.X.Zokirov., Sh.A.Qo'ldosheva. “Tabiatni muhofaza qilish va undan oqilona foydalanish” Yangi nashr nashriyoti 2011. 94-101 betlar.
2. O'zbekiston Respublikasida atrof-muhit holati va tabiiy resurslardan foydalanish to'g'risida MILLIY MA'RUZA Toshkent-2008., 26-31 betlar.
3. B.O'rinov tahriri ostida “Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish sohasidagi faoliyatlar”. Toshkent-2010., CHinor nashriyoti. 9-20 betlar.
4. X.X.Zokirov, Yu.Zokirova, Sh.Chorieva. “Iqtisodiy inqirozga sabab bo'luvchi ekologik omillar” “Surxon-Nashr” nashriyoti 2018. 6-17 betlar.